



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY Axborot-Kutubxona
Markazi
INV. 14

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил
21 июль
ЧОРШАМБА
№ 57
(12.277)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хар қайси давлат, жамият ўз олдига қўйган юксак марраларга эришиш учун муҳим босқичлардан, иқтисодийда туб бурилиш рояидида поғоналардан ўтиши табиийдир. Озод ва обод Ватан, демократик давлат, янги жамият қуриш йўлини танлаган халқимиз ана шу синовлардан муваффақиятли ўтиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришган қалбларимизни фахру ифтихорга тўлдиради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган тарихий ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар жараёнини қўзғатган киши уларнинг замирида мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, моддий бойликларимизни кўпайтириш орқали халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига эришишдек олижаноб мақсад ётганини аниқлайди. Дарҳақиқат, барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, уни мустақил тараққиёт йўлининг самараларидан баҳраманд этиш, фарзандларимизнинг бахт-қўбولىни таъминлашга қаратилган.

Тараққиётнинг ўзбек модели жаҳонда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда. Нуфузли эксперт ва таҳлилчилар унинг нақадар пухта ва ҳаётий эканлигини эътироф этмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариатида ҳам юртимизда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлиги таъминланганга, янги иш ўринлари очилаётгани, ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилганга, энг асосийси, одамларнинг даро-

мади ошиб бораётгани таҳсинга сазовордир. Бунда шубҳасиз замонавий технологияларга асосланган йирик sanoat корхоналарининг алоҳида ўрни бор.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Асака автомобиль заводи ана шундай корхоналардан биридир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг беш йил ўтиб ўз автомобилларимизни ишлаб чиқарганимиз қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини бүгун янада тереан аниқламоқдамиз. Бундай улкан корхона қуриш, бутун дунёга машҳур компания ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиш, илгор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, маҳаллий кадрларнинг шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириши ҳаммининг қўлидан келавермайдиган иш.

Ўн тўрт йилдирки, Марказий Осиёда ягона бўлган Асака автомобиль заводида энг замонавий стандартларга жавоб берадиган, қўлай, хавфсиз, ишончли ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган энгил автомобиллар ишлаб чиқаришмоқда. Ҳаммамиз учун кадрдон бўлиб қолган машиналар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, миллий гуруҳимизга айланган.

ЮКСАК ЙИЛЛАРИ

Ўтган давр Асака автомобиль заводи жамоаси учун юксалиш йиллари бўлди. Ўзбек автомобиллари ўзининг замонавийлиги, қўлай ва хавфсизлиги билан нафақат хамюртларимиз, балки хорижий истеъмолчиларнинг ҳам эътиборини қозонди. Автомобилларимиз Россия, Украина, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби ўндан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинмоқда. МДҲнинг 104 шаҳрида уларни сотиш билан шугул-

ланувчи савдо корхоналари фаолият юритмоқда.

"GM Ўзбекистон" компанияси маҳсулотлари, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра, Россияда энг кўп сотилган автомобиллар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Европа Бизнес ассоциациясининг автомобил ишлаб чиқарувчилар қўмитаси маълумотларида қайд этилишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида "GM Ўзбекистон" Россияда 32 мингдан ортиқ автомобиль сотган. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Ҳозирги замон ишлаб чиқарилаётган автомобил моделларини муттасил ўзгартириб, сифатини яхшилаб боришни тақозо этади. Чунки қўли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. Шу босқич корхонада тайёрланаётган машиналар замон талаблари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда. Завод ишга тушган дастлабки йиллари унинг конвейеридан "Тико", "Дамас", "Нексия" каби энгил автомобиллар чиқа бошлаган бўлса, кейинги йилларда улар сафига янада мукаммаллашган, замонавий дизайнга эга "Матиз", "Ласетти", "Такума", "Эпика" ва "Каптива" автомобиллари қўшилди. Жорий йилнинг август ойида эса М300 русумдаги автомобил ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. 2012 йилда Евро-4 экологик нормалари таъбиқ этилган "Нексия" ва "Матиз"ни бозорга чиқариш режалаштирилмоқда.

Асака автомобилларининг ички ва ташқи бозорда харидорлигининг муҳим омилларидан бири уларнинг юқори сифатида. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш бўйича доимий равишда таҳлиллар олиб борилади.

(Давоми 2-бетда).

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



ФЕРМЕР ДЕҲҚОН БЎЛСИН ЭКАН

Янгийўл туманидаги "Соғир Муҳиддин" фермер хўжалиги давлат эҳтиёжлари учун бу мавсум 80 тонна гала топширди. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш ҳам бошлаб юборилди.

Фермер хўжалиги ўтган йили пахтадан 53 миллион сўм даромад олган эди. Шундан 14 миллиони соф фойда. Ҳосилдорлик 55 центнерга етди. Улар бу йил ҳам ўша маррани эгаллаш ниятида.

Бугун фермер Муҳиддин Нажимов пахтачилик, ғаллачилик билан бир қаторда, чорвачиликни ҳам ривожлантириш пайида. Шу мақсадда хўжаликка 10 та қўй, 4 бош сигир олиб, парваришини бошлаб юборди.

Шундай қўлай шароитда қорамол кўпайтирмаслик мумкин эмас, дейди Муҳиддин Нажимов. — Ахир ер бўлгандан кейин чорва ҳам бўлиши керак. Шу соҳада ҳам ўзимизни бир синаб кўрмоқ-

чимиз. Бу йил Убай Мусаев кишлоғидаги "Чангтепа" маҳалласида молларни сунъий уруғлантириш пунктини ташкил этди. Мақсадимиз — келгусида зотдор молларни кўпайтириш.

СУРАТДА: фермер Муҳиддин Нажимов (ўнгда) механизатор Абдурашид Умаров билан қуюқ қўсаклаган пахта даласида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

А320: ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

"Тошкент" халқаро аэропортига Гамбургдан А320 самолёти келиб қўнди. Бу "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва Airbus Industries консорциуми ўртасида тузилган шартномага биноан мамлакатимизга етказиб бериладиган ўн та самолётнинг биринчисидир.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Airbus Industries консорциуми билан 17 йилдан буюн ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу русумдаги дастлабки ҳаво кемаси — узок масофага парвоз қила оладиган А310 самолёти пойтахтимизга 1993 йилда келтирилган эди. Шу орқали миллий авиакомпаниямиз тасарруфидоги эскирган техникани Фарбда

ҳаво кемаларида амалга оширмоқда. Энди уларнинг сафига яна битта замонавий лайнер қўшилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори В. Тан янги ҳаво кемасининг тақдирот маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 2020 йилгача фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилиб, самарали амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

КАСАНАЧИЛИК

КИМ ИМКОН ИЗЛАЙДИ, КИМДИР БАҲОНА

2006 йил 5 январда Президентимизнинг "Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Қибрай туманида "Қибрай касаначи мадад" шўъба корхонаси ташкил этилган. Унинг асосий йўналиши — фуқароларни касаначи сифатида ишга қабул қилиш. Шу йилнинг ўзида корхонага 105 фуқаро ишга кирди. Улар ҳозир уй шароитида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тикувчилик, дурадорлик, қурилиш, электр ишлари ҳамда сартарошлик билан машғул.

Туманда 2010 йилнинг январь-июнь ойларида 302 та касаначилик ўрни яратилиши белгиланган эди. Амалда эса, 359 тага етказилиб, режа ортиғи билан бажарилди. — Касаначилик туманимиздаги корхоналарга қатор қўлайликлар яратиш беришти, — дейди туман бандликлари қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Бахтиёр Шерматов. — Аввало, пахта йиғим-терим мавсумида тахминан 10 минг бериш учун этак тикиб олишган. — Касаначилик туманидаги "Опа-сингиллар" ногирон аёллар уюшмаси қаторида "Чақон гўзаллар" шўъба корхонасида 30 га яқин ногирон уй шароитида тикувчилик билан банд. Улар бу йил пахта йиғим-терим мавсумида тахминан 10 минг бериш учун этак тикиб олишган. — Касаначилик туманидаги "Опа-сингиллар" ногирон аёллар уюшмаси қаторида "Чақон гўзаллар" шўъба корхонасида 30 га яқин ногирон уй шароитида тикувчилик билан банд. Улар бу йил пахта йиғим-терим мавсумида тахминан 10 минг бериш учун этак тикиб олишган.

Яқинда Салар шаҳарчаси "Дўстлик" маҳалласида гилам тўқиш цехи ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада 5 киши ишли бўлади.

Касаначиликни ривожлантиришда туман хотин-қизлар кўмитаси, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда хунаромандлар уюшмаси ҳамкорлик қилипти. Қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган кўргазмалар касаначи сифатида

(Давоми 2-бетда).

ХИТОЙДАН ГРЕЦИЯГА

Оққўрғонлик 17 ёшли шахматчи Мафтуна Маматқулова Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

27 та давлатдан келган 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчилар баҳсида вақилимиз 9 имкониятдан 5,5 очко тўплад, совринли ўринлардан бирини ҳамда шу йил октябр ойида Грецияда ўтказиладиган жаҳон биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Феруза Тўраева.

ОЛТИН МЕРОС ВОРИСЛАРИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида вилоят бўйлаб ёшлар билан савҳат ва учрашувлар уюштирилди.

Вилоятнинг бир гуруҳи фаол ёшлари иштирокида ўтган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёш авлодини Ватанга муҳаббат, қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Шунингдек, тадбирларда буюк аجدларимиз сингари бугунги ёшлар ҳам интеллектуал салоҳиятда дунёга тенглашаётганликлари таъкидланди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентлар учун тест-синов усулининг жорий этилгани энг иқтидорли ва билимли ёшларнинг талабалик сафидан жой олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган вақт мобайнида ёшлар билимини синашнинг мазкур усули қанчалик ҳолис ва

ҳаққоний экани намоён бўлди. Жорий йилнинг 1 август куни бўлиб ўтадиган тест-синовларига қанчалик тайёргарлик кўрилмоқда, бу борадаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром ИСМОИЛОВ қўйидагиларни сўзлаб берди:

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАТЪИЙ ТАРТИБ АСОСИДА ЎТАДИ

— Ёш авлоднинг пухта ва тўлақонли таълим олиши Ўзбекистоннинг томонидан амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Бу жиҳатлар жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларининг барпо этилаётгани, таълим сифати ва мазмунининг тубдан такомиллаштирилаётгани, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати ҳар жиҳатдан рағбат топаётгани баробарида олий таълим даргоҳларига ўқишга кириш истагидаги ёшлар учун тест синовининг жорий этилгани ҳам ўзининг ёрқин тасдиғини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 майда қабул қилинган "2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тест синовларини ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш учун бир қатор ташкилий ҳамда амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиториялар белгиланган талаб даражасида тайёрланди. Бу йил тест синовлари 390 бинодаги

10900 аудиторияда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилган 36 мингга яқин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар жалб этилиши кўтилмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан ҳамкорликда Давлат тест маркази вақиллари ҳамда аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг вазифалари, уларнинг тест синовлари давомидида бажарилган ишларига оид тарқатма материаллар тайёрланди.

(Давоми 3-бетда).

ТАЛАБАЛИК ОНЛАРИ ЯҚИН

Олий маълумотли бўлиш мақсадида ёшлар учун шу пайтга қадар олган билимлари баҳоланадиган кун яқинлашмоқда.

Вул тизимиздаги йирик таълим масканларидан бири — Ангрен шаҳридаги Вилоят давлат педагогика институтида иш қизгин. Биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарорининг ижроси мазкур институтда қандай амалга оширилаётгани билан қизиқдик.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси режага асосан, янги 2010-2011 ўқув йили учун институтимизга бақалавар тайёрлаш умумий қабул квотаси бўйича 1360 ўрин, шу жумладан, давлат грантлари асосида 485 ва тўлов шартнома асосида 875 та ўрин берган бўлиб, улар турли таълим йўналишлари ва тиллар бўйича тақсимланган, — дейди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, қабул комиссиясининг масъул тоғиб, техника фанлари номзоди, доцент Ислам Ҳусанов.

Педагогика институтининг бу йилги қабул режасида жами 22 та таълим йўналиши бўйича институтга талаба қабул қилиш режалаштирилган. Шунини таъкидлаш керакки, бу йилги қабул жараёнида бир неча янгилик кўзга ташланади. Аввало, рус тили ва адабиёти таълим йўналишида ўзга тили гуруҳлар учун, яъни миллий умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунаро коллежларининг миллий гуруҳларида рус тили ва адабиётини дарс бериладиган кўзда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Бугун Ўзбекистон автомобилсозлик саноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб корхоналарни ўз ичига олади. Асака автомобиллари учун зарур барча деталларни маҳаллийлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бутловчи қисмларнинг ўзимизда тайёрланиши вақтини тежаш ва ишлаб чиқариш таннархини камайтириш барибарабди, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этиш имконини бермоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, хорижикидан асло қилишмайдиغان сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги кўплаб кўшма корхоналар ташкил этилди. Бамперлар, бутун чиқаргичлар, ёнилғи бақлари, автомобиль ойналари, аккумуляторлар,

(Давоми. Боши 1-бетда).

электр ўтказгичлар учун жуглар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, трубалар, буюқлар ва бошқа қўлгина жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили "General Motors" корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги кўшма корхона ташкил этилди. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида "General Motors Powertrain Uzbekistan" деб номланган ушбу янги завод қурилиши жадал давом этмоқда. Корхона йилига 360 мингта двигател ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Унда 1200 янги иш ўрни ташкил этилади.

Бир онлада икки машина

Мамлакатимиз йўлларидаги ҳаракат оқимида назар солар экансиз, машиналар йил, ой эмас, кун сайин

кўпайиб бораётганини кўрасиз. Ҳатто кишлоқларимиз кўчалари ҳам уларга торлик қилиб қолгандай. Кишлоқда қад ростилаган замонавий уй-жойлар олдига қаторлашиб турган машиналар, фермер шийпонига тақаб қўйилган "Ласетти"ю "Дамас"ларга бугун кўзимиз ўрганиб қолди.

Тадбиркорлик, фермерлик, хунарининг орқасидан ўзини тутиб олган синфдошларимнинг кўпиди машина бор. Шулардан бири Марат шийпонига ҳам ақсининг "Матти" бўла туриб, йиққан-терганига "Нексиа" сотиб олибди.

Беминнат дастёр, — дейди у машинага ишора қилиб. — Ойналари ёпилганда ҳаракат пайтида салонда ҳеч қандай товуш эшитилмайди, динамикаси зўр, бошқариш осон, балангликларга кўтарилганда ҳам анча енгил тезлик олади.

Шаҳарга ҳам, узоқ масофаларга ҳам яхши мослаштирилган.

Ҳа, бугун ўз автомобилларимиз деярли ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Шу ўринда беихтиёр яқин тарихимиздаги енгил машина сотиб олиш учун одамлар неча йиллаб навбатда турган, кўпчилиكنинг орзуи ушалмай умри ўтиб кетган даврлар ёдга тушади. Чунки у пайтларда юртимизда машина чиқарилмас, бирорнинг қўлига қараган эдик.

Халқимизда "Ўзингдан чиққанига не етсин", деган нақл бор. Шу маънода ўз машиналаримизни ишлаб чиқаришга эришганимиз энг катта тарихий ютуқларимиздан биридир. Асака автомобил заводи ана шуниси билан ҳам биз учун гоҳ қадрлидир.

Олим ТўРАКУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Мадааният ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги яқиний босқичи бўлиб ўтди.

ЭНГ ЯХШИ КЎШИҚЛАР ОНА-ЮРТ ҲАҚИДА


Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори Ўзбекистонимизни авж пардаларда тарангун этиш, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялашга ҳизмат қилмоқда.

Кўрик-танловнинг Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи юксак савияда ўтди. Унга ёш ижрочилар томонидан табарук заманимиз, истиқлолмиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, ёш авлод қамолоти йўлида кўрсатилган меҳр ва эътибор тарангун этилган ранг-баранг муслиқ асарлар тақдим этилди.

Танлов якунига кўра, пойтахтлик Эргаш Ҳожиёв биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринга Жиззах вилоятидан Мохичеҳра Яхшибоева, сирдарёлик Шерали Худойбердиев ва Нарғиза Файзиёва сазовор бўлди. Қорақалпоғистонлик Муҳаббат Дошанова, Тошкент вилоятидан Алишер Халиловга учинчи ўрин насиб этди.

Ў.А.

ЧОРВАЧИЛИК



НАСЛ ЯХШИЛАНМАСА НАФ ЙЎҚ

Юртимизда чорвачиликни ривожлантириш, ҳусусан, улар туғгани кўпайтириш орқали аҳолининг гўшт, сўт каби муҳим ҳаётий маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондириш, энг муҳими, мазкур маҳсулотлар нархини мақбуллаштириш борасида аниқ тизимли иш олиб боришмоқда.

Ҳозир Бўка туманида 27 минг 816 бош қорамол боғланган. Улар зотини яхшилаш ва моллар туғгани кўпайтириш мақсадида сунъий уруғлантириш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бу йил 2608 бош сиғирдан шу тариқа насл олинди. Йил охиригача улар сонини 6150 бошга етказиш кўзда тутилган.

Суратда: (чапдан) туман ветеринария бўлими ходими Комил Эшмуҳамедов, бўлим бошлиғи ўринбосари Расул Абдурахмонов "Абдусамид" наслчилик фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси Зокир Ражабовга чорва наслини яхшилаш борасида яқиндан кўмак беришмоқда.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

КАСАНАЧИЛИК

"Автотранспорт энергия қурилиш", "ТашИЭС қурилиш", "Карвон", "Кадрия ГЭСлар каскади", Гидрогеология станцияси каби корхона ва ташкилотларда касаначилик яхши йўлга қўйилган. "Тошвилавтосарой" корхонасида ярим йилда 7 та ўрнига 12 та касаначилик ўрни яратилди. "Шарк" акциядорлик жамиятида эса, 10 ўрнига 13 фуқаро касаначилик қила бошлади.

Абдуҷалол Рашидов "Интер-Рохат" кўшма корхонаси касаначиси.

— Анча вақтгача ўзимга мос иш тополмай юргандим, — деди у. — Бирининг шароити тўғри келмаса, бошқасининг ойлиғи мени қониқтирмаётганди. "Интер-Рохат" корхонасида касаначилик асосида ишга қабул



КИМ ИМКОН ИЗЛАЙДИ, КИМДИР БАҲОҲА

қилишаётганини эшитиб қолдим, менга маъқул иш экан. Ҳозир қўти ясапман. Қилган ишимга яраша ойлик тўлашяпти. Меҳнат дфтарчам юритилаётганидан хурсандман. Бўш вақтларимда бошқа иш билан шуғуллансам ҳам бўлади. Хуллас, касаначилик менга ҳар томонлама қўл келяпти.

Умид Маликов Абдуҷалолнинг дўсти. Яқинда у ҳам ишсиз юрганди. Дўстининг таклифи билан у шу корхонага касаначи бўлиб ишга кирди. Ҳам уйда корхонанинг буюртмаларини бажаряпти, ҳам томоқрасида ул-бўл етиштиряпти. Бу оилага икки қара қўл даромад келяпти, дегани.

Ўнқўрғондаги "Parvoz shosola" маъсуляти чекланган жамияти музқаймоқ ишлаб чиқаради. Михозлар кўп. Яқинда корхона раҳбарияти фуқароларни касаначилик асосида ишга қабул қилишга қарор қилди. Ҳозирча 8 киши ишга қабул қилинди. Улар қандолат маҳсулотларини қорозга ўраш билан шуғулланишяпти. Баҳодир Хайитов ва Йўлчи Одилов корхонага касаначи бўлиб ишга киришаётганда бироз иккилинишганди. Уйда ўтириб қанақасига корхонанинг ишисини бўлиш мумкин, ҳақиқатан ҳам иш стажимиз кетармикан, ойлик

У ердан ҳафсаламиз пир бўлиб чиқдик. Шундан сўнг тайинли маълумот олармиз, деган ниятда туман ҳокимлигига бордик. У ердагилар касаначилик бўйича маълумотлар фақат марказда бўлишини айтиб, бизни қайтариб юборишди. Хуллас, анча вақтимиз ҳокимият ва марказ ўртасида овора бўлиш билан ўтди. Яна марказга қайтиб

масаласи нима бўларкин, деган саволлар уларни уйлантириб қўйганди. Лекин ҳозир улар қабул қилган қарорларидан маннунлар.

Афсуски, Оққўрғон туманида бу борада умуман бошқа манзаранинг гувоҳи бўлдик. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Саидҳамд Тожиёев муҳим иш бориқчи, биз билан гаплаша олмаслигини айтди. Бизни қизиқтирган маълумотларни беришни эса, бандликнинг самарали шакллари ривожлантириш бўлими бошлиғи Тўрамурод Чегабоевга қўлаб кетди.

— Касаначиликнинг менга алқаси йўқ, — деди Т. Чегабоев. — Менинг вазирамга мониторинг қилиш қиради, холос. Сизга бундай маълумотларни бериш учун қозғоларни титқилашнинг керак. Қаёққа борсангиз бориң.

У ердан ҳафсаламиз пир бўлиб чиқдик. Шундан сўнг тайинли маълумот олармиз, деган ниятда туман ҳокимлигига бордик. У ердагилар касаначилик бўйича маълумотлар фақат марказда бўлишини айтиб, бизни қайтариб юборишди. Хуллас, анча вақтимиз ҳокимият ва марказ ўртасида овора бўлиш билан ўтди. Яна марказга қайтиб

келдик. Хайрият келганимизда, марказ раҳбари Саидҳамд Тожиёев ўз жойида экан. Бу сафар ҳеч нарсани баҳона қилмай маълумотларни беришга мажбур бўлди. Унинг маълумотларига қараганда, шу йилнинг ярим йиллигида 171 та касаначилик ўрни яратилган. Шундан 10 таси ошпазлик экан. Биз ошпазларни касаначи деб, рўйхатга қиритиш мумкинми ёки йўқми, деган савол билан вилот меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Гулчехра Камоловага мурожаат қилдик. У кишининг айтишича, ошпазларни касаначи сифатида ишга қабул қилиш мумкин эмас экан.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили 324 та касаначилик ўрни яратилган экан. Лекин бу йил улардан атиги 79 таси қилибди. Қўлган касаначилик ўрни ном-нишонсиз йўқ бўлган. Қизиқ, ўтган йили ишга кирган касаначиларнинг тақдирини нима бўлдикин? Улар ҳақиқатан ҳам касаначи бўлиб ишлашганмикан?

Буни қарангки, ўтган йили рўйхатга қиритилган "Зармахан" корхонаси, "Хамдамов Боймурод" ҳусусий фирмаси, Майиш хизмат кўрсатиш уюшмаси, туман газ таъминоти идораси, халқ таълими бўлими каби корхона ва ташкилотлар бу йилги режадан чиқариб ташланган экан. Бизга берилган ҳужжатларнинг ҳеч бирида касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми ҳам, касаначилар эвазига имтиёزلардан фойдаланган ҳолда тежалган маблағ ҳам кўрсатилмаган. Бу эса, бизни жуда қизиқтирган рақамлар эди. Чунки мана шу рақамларнинг ўзи касаначилик корхоналарга қай даражада фойдаланилаётганини кўрсатиб берадиган омилидир. Афсуски, бу маълумотларни марказдагилардан олиб бўлмади. Уларни ҳам тушуниш мумкин. Асли йўқ нарсани қаердан ҳам бера олишарди...

Хуришда ТУРСУНБОВЕВА,
Даврон АХМЕДОВ
(сурат),
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

СУРАТДА: қибрайлик Гулнора Гуломов ва Чинобод кишлоғида тикувчилик ва парда тикишни йўлга қўйган. Гулнора (чапдан) мижоз билан сўхбатлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

А320: ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

Ушбу дастурда миллий авиакомпаниямиз самолёт паркинги тўлиқ модернизациялаш ва унификация қилиш, Фарбода ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий базани ташкил этиш, ер усти инфратузилмасини ривожлантириш, ҳавода ҳаракатланишни бошқариш тизимини тубдан тақомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган ўз базамизнинг яратилиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари авиация тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Техмакор ва ҳар жиҳатдан қулай замонавий авиатехника сотиб олиш йўлидан борилаётгани аниқ жараёнда муҳим ўрин тутди. Урта масофага парвоз қиладиган А320 ҳаво лайнерининг танлангани беҳиз эмас. Чунки, у 5000 километргача бўлган масофага парвоз қилиш учун энг қулай ҳаво кемасидир. Техмакорлиги ва салонининг замонавийлиги туфайли ушбу русумдаги самолётларга бутун дунёда талаб юқори. Масалан, А320 лайнери Ту-154 самолётига қараганда қарий икки ярим баравар кам ёқилғи сарфлайди. Бундан ташқари, А320 самолётининг вазни енгил бўлгани учун ундан фойдаланганда тежамкорлик ҳақида қўл қўйилди.

Мазкур самолёт ишончилиги ва хавфсизлик нуктаи назаридан кўплаб афзалликларга эга. Шартномага кўра, миллий авиакомпаниямиз бу русумдаги самолётларнинг яна бештасини шу йилнинг охиригача, қолганларини эса

2011 йилда олади. Airbus Industries консорциумининг Шарқий Европа ва МДХда сотиш бўйича вице-президенти Андреас Крамер "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси минтақада А320 самолётидан янги фойдаланувчига айланишини кайд этди. Замонавий, тежамкор ва тор фузеляжли ушбу ҳаво лайнерининг етказиб берилиши компанияга ўз ривожланиш дастурини муваффақиятли давом эттириш имконини беради. Airbus Industries консорциуми "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни ўзининг стратегик шериги деб билишини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни келажакда ҳам ҳар томонлама мустақамлаш ниятида эканини таъкидлади.

А320 самолёти 150 йўловчига мўлжалланган иккита салонга эга. Теълиги соати-га 850 километр, максимал парвоз қилиш баландлиги 11275 метрни ташкил этадиган ушбу самолёт тўла оғирлик билан 3800 километр масофага бемалол ўча олади. Лойиҳани ишчи амалга ошириш ва ҳаво кемаларининг муваффақиятли парвозини таъминлаш мақсадида миллий авиакомпаниямизда юқори малакали учувчи ва техник ходимлар тайёрланган. Деярли барча учувчи ва техник ходимлар йўловчи ташийдиган А310 самолётларидан фойдаланиш тажрибаси асосида қайта ўқитилди. Халқроқ тажрибага эга дастлабки учувчидан гуруҳи Тулуза (Франция) шаҳридаги тренинг-марказда малака ошириш ва тренажер тайёрларидан ўтди. Улар келажакда авиакомпаниямиз А320 самолётларида парвоз қилаётган йирик учувчилар авиаотрядидан ўзлашгани ташкил этиди.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2010

"Соғлом авлод учун" жамғармаси вилот филиали раҳбари Гулсанам Ваҳобованинг таъкидлашича, вилотимизда шаҳар ва кишлоқларимиздаги кам таъминланган оиламизнинг 75 фарзанди Бўстонлиқ туманининг "Оқтош" ва "Қиёғарлар" ёғи оромгоҳларида соғломлаштирилди.

МЕҲР ҚУЁШИ

Яна 75 бола бугун-эрта оромгоҳда ўз таътилини қўлғили ўтказиб бўлади. Ўзбекистон "Соғлом авлод учун" жамғармаси орқали Россия Федерацияси элчиюсини ажратган 37 миллион сўм хайрия маблағи бу болалар учун ёғининг жазирама қўнларини фароғатга айлантирди. Жўрабек МУРОДОВ.

«КАМАЛАК» БИЛАН БИРГАМИЗ

Бекобод шаҳридаги умумтаълим мактабларида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида "Камалак" — бу бизнинг тақдиримиз, "Баркамол авлодимиз" мавзуларида семинар-тренинглар ўтказилди. Унда дам олувчилар "Камалак" болалар ташкилотига ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайттирдилар.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Қўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Қибрай тумани СИБ томонидан 28.04.2009 йилдаги №6399/4 ижро ҳужжатида асосан қўйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилотида Қибрай тумани, Ўнқўрғон қ.ф.й., Гунча қўчасида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган 35-хонадон. Бошланғич баҳоси — 99 603 450 сўм. 2. Тошкент вилотида Қибрай тумани, Ўнқўрғон қ.ф.й., Гунча қўчасида жойлашган, ер майдони 878,82 кв.м. бўлган 42-хонадон. Бошланғич баҳоси — 589 132 402 сўм.

Аукцион савдосига тақдоран Чиноз тумани СИБ томонидан қўйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. 01.12.2009 йилдаги №4308 ижро ҳужжатида асосан, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Оқ

олтин қўчаси, 11-уйда жойлашган, ХТ "Абдусаматова Р.Р."га тегишли ун ишлаб чиқариш цехи бино иншоотлари, ишлаб чиқариш ускуналари. Бошланғич баҳоси — 20 978 290 сўм. 2. Чиноз тумани Гулзоробод ФХУ манзиллида жойлашган, № 742, 949 ва 1501 ижро ҳужжатларида асосан хатланган "Қурувчи" МЧЖга тегишли бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 38 227 050 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 10 август кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган қўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қиёб таъиниш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо-

сига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимови т., М. Ўразбоев қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.



БУГУННИНГ ГАПИ

Давлат тест маркази томонидан тест синовларига масъуллар учун ўқув семинарлари ташкил этилмоқда ва ҳар бир масъул ҳодим вази-фалари, бажарадиган ишлари доир услубий матери-аллар билан таъминланди. Президентимизнинг номи оқорида зикр этилган қаро-ри асосида олий таълим муассасалари таълим йўна-лишларида талабалар қабули бўйича квоталар белгиланди.

– **Тест доимий ўзгариб, давр руҳига мослашиб, тобора мукаммаллашиб борадиган жараён эканини инобатга олган ҳолда, бу йилги саволлар жамланма-сида, синовларни топи-ришда қандай ўзгаришлар, янгиликлар назарда тутил-ган?**

– Тест саволлари жамлан-маси умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими учун тасвир этилган ўқув ада-биётлари ва дарсликларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилди. Саволлар йилдан-йилга такомиллаштириб бо-рилади ва тест синовлари ўтказиладиган ўқув фанлари-дан Ўзбекистон Республика-си Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус, касб-хўна-р таълими маркази томонидан таълим муассасаларида ўқитиш учун тасвир этилган ўқув адабиётлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тай-ёрланади. Шунингдек, ҳар йили тест саволлари китоби кўп вариантлик асосида шакллантирилади. Бу йил ҳам умумий тест саволлари жам-ланмаси янгилашиб, тўлдири-лишига ҳам ҳарбир саволлар-дан абитуриентларимиз учун алоҳида китоб тайёрланиши-га эътибор қаратилмоқда.

Тест синовларида фойда-ланиладиган материаллар: саволлар китоби, жавоблар варақаси ҳамда тест савол-лари сонида ўзгаришлар йўқ, учта ўқув фанидан 36 тадан тест саволлари жами 108 та (ижодий имтиҳон топширув-

(Давоми. Боши 1-бетда).

чилар учун 2 та ўқув фани-дан 72 таъни ташкил этади. Аммо, тест синовларини ўтқа-зиш тартибларига айрим ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, тест синовларига абитуриент фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжати (пас-порт ёки паспортга тенглаш-тирилган гувоҳнома), таълим муассасаси қабул комиссия-си томонидан берилган рух-сатнома билан келиши шарт. Борди-ю, абитуриент бошқа кўшимча нарсаларни аудито-

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАТЪИЙ ТАРТИБ АСОСИДА ЎТАДИ

рияга олиб киришга ҳаракат қилса, бинога киришнинг ўзига тест синовларини ўтқа-зиш тартибини бузган ҳисоб-ланади ва тест синовларидан белгиланган тартибда четла-тилади. Шунингдек, абиту-риент томонидан топширил-ган ҳужжатларнинг қалбақли-ги аниқланса, у ҳолда абиту-риент тест синовларидан чет-лаштирилади ҳамда ҳужжат-лари ўрнатилган тартибда ҳу-қуқни муҳофаза қилиш орган-ларига юборилади. Бундан таш-қари, тест натижаларни амал-даги эълон қилиш тартиби билан биргаликда марказнинг веб-сайти (www.dtm.uz)да, мобил алоқа хизматлари ор-қали ҳам эълон қилинади.

– **Мамлакатимизда икти-содий-ижтимоий соҳанинг мунтазам ривожланиб бо-риши янги-янги касб йўна-лишлари, ихтисосликлар очи-шини талаб этмоқда. Жорий йилда ташкил этил-ган янги олий таълим мас-канлари ёки янги факультет-лар, ихтисосликлар ҳу-сусида тўхталиб ўтсангиз.**

– Жон иктисодиёти ва дипломатия университетиди-да "Халқаро сисёт", Тошкент

Давлат техника университети-да "Гидроэнергетика", Тош-кент архитектура-қурилиш институтида "Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш" ва "Қишлоқ қурилиши-ни лойиҳалаш", Тошкент ис-лом университетида "Психо-логия (Дин психологияси)" каби 100 дан кўпроқ таълим йўналишлари очилган. Янги очилган таълим йўналиш-лари тўғрисидаги маълумотлар билан абитуриентларимиз

қабул комиссияларининг эълонлар тахтаси ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигининг расмий веб-сайти (www.ed.uz) "Абитуриент – 2010" бўлими орқали тани-шишлари мумкин.


– **"Баркамол авлод йи-ли" деб ном олган жорий йилда талаба бўлиш иста-дидаги ёшлар учун қандай имтиёз ва имкониятлар бор? Турли қўрик-танлов-лар, фан олимпиадалари-да голиб бўлган йигит-қиз-**

лар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соврин-дорлари ҳамда ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун қандай шароитлар яратилган?

– Мазкур ўқув йилида ҳам олий таълим муассасаларига тест синовларисиз талаба-ликка қабул тартиби сақлан-иб қолган. Жумладан, хал-қаро ва республика фан олим-пидалари, танловлари ва му-собақалари голиблари, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигининг ўрта махсус, касб-хўна-р таълими маркази таъ-сис этилган махсус гувоҳно-ми олинганлар Давлат комис-сиясининг қарор-и билан те-гишли олий муассасалари-нинг мос таълим йўналиш-ларида тест синовлари ва кас-бий (иходий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, "Йилнинг энг яхши тарбиячиси", "Йилнинг энг яхши ҳамшираси" респу-блика танловларининг голиб-лари, "Нихол" мукофоти соврин-дорлари тегишли вазирлик ва идоралар тақдирномаларига мувофиқ Давлат комиссия-сининг қарори билан қабул қилинади. Олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги кас-бий мувофиқлик Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан иш-лаб чиқилди ва Давлат комис-сияси томонидан тасдиқлана-ди. Муддатли ҳарбий хизмат-дан қайтганда олий таълим муассасаларига кириш учун тасвирнома олган ҳарбий хиз-матчилар учун ҳам тест си-новларида жамағариллиши мум-кин бўлган умумий баллнинг 25 фоизи берилди.

Буларнинг барчаси юрти-мизда ёш авлодининг пухта билим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хўна-р эгаллаши йўлида кўрсатилаёт-ган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



ЎҚИДИЛАР, ЎҚИТАДИЛАР

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2009/2010 ўқув йилида мазкур олий таълим даргоҳининг ба-калаврият ва магистратура йўналиши бўйича тамома-лаган битирувчиларга дипло-мон топшириш маросими бўлди.

Ун минг нафардан ортиқ талаба ўқидиган Тошкент давлат педагогика университети умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўна-р, олий таълим йўна-лишларида етук кадрлар-ни тайёрловчи юртимиз-нинг етакчи олий билим даргоҳларидан саналади. Бу масканда фаолият кўр-сатаятган Ахборот ресур-с маркази, замонавий ком-пьютер ва лингафон хо-налари, илмий-тадқиқот маркази талабаларга тўла-қонли билим беришда муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Жорий йилда универси-тетни математика, инфор-матика, педагогика, пси-хология, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тил-лар, физика, астрономия, мусликий таълим, тасвирий санъат, бошланғич таълим каби мутахассисликлар бўйича магистратура йў-налишда 232 нафар, ба-калаврият йўналишида 2548 нафар ёшлар тамома-лади.

ЎЗА.

Собир Раҳимов туман Тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-си томонидан 13.08.2009 йил-да Гувоҳнома № 05-07936 билан рўйхатта олинган якка тартибдаги тадбиркор Кама-лов Ҳабибулла Файзуллаевич-га тегишли бўлган бир дон-а думалок муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "MARMARIS-OLIV-SIFAT", зарғистириванное хоҳимияти Чиланзарского району за № 002010 от 05.02.2010г. (реестр № 002010/8) (ИНН 206632264) решением учредителей присоединяется путем слияния с ООО "AZIZ-AZIZA-YULDUZ", зар-гистириванное хоҳимияти Чиланзарского району г. Таш-кента за № 001483 от 15.02.2010г. (реестр № 001483-08) (ИНН 205841693).

Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня опубли-кования объявления по тел.: 217-41-15.

ДП "ZYOKOR YANGI UMID" Яккасарайского району (ИНН 300040844) сообщает об из-менении формы собственнос-ти и реорганизации в ООО "ZYOKOR YANGI UMID" с пе-реходом всех прав и обяза-тельств ДП "ZYOKOR YANGI UMID" к ООО "ZYOKOR YANGI UMID". Тел.: 331-64-13.

ТАЛАБАЛИК ОНЛАРИ ЯҚИН

Яна бир янгилик шуки, бу йилги бакалаврлар тайёр-лаш бўйича қабул режаси-да айрим таълим йўналиш-ларининг номи ҳам ўзгар-ди. Чунинчи, "Математика ва информатика", "Кимё ва экология", "Биология ва инсон ҳаётини фаолияти му-ҳофазаси", "Жисмоний тар-бия ва жисмоний мадания-т", "Мақтабача таълим ва болалар спортини" таълим йўналишлари номлари те-гишли равишда "Математи-ка", "Кимё", "Биология", "Жисмоний маданият", "Мақтабача таълим" деб ўзгаририлди. Шу билан бирга, бу йилги қабул ре-жасида махсус сиртки бўлимга талабалар қабул қилиш кўзда тутилмади. Буни масъул котиб қуйда-гича изоҳлайди:

– Хабарингиз бор, Юрт-бошимиз ташаббуси билан умумий ўрта таълим тизим-ида фаолият кўрсатган, ўрта махсус маълумотга эга

бўлган педагог кадрларнинг билим ва малакаларини ошириш ва пировард нати-жада уларга олий маълу-мотли бакалавр даражасини бериш мақсидида педа-гогика институти ва универ-ситетларида махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган эди. Бугунги кунда респу-бликакимиз умумий ўрта таъ-лим мактаблари ва касб-хўна-р коллежларида ўрта махсус маълумот олган ҳамда камиди ун йиллик ўқитувчилик иш стажига эга педагоглар махсус сиртки бўлимларда тегишли таъ-лим йўналишлари бўйича бакалавр даражасини олишмоқда. Педагогика коллежлари тайёрлаб бе-раётган ўрта махсус маълу-мотли кадрлар умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизим-ида тарбиячи, ташкилот-чи каби лавозимларда ки-чик мутахассис сифатида фаолият кўрсатадилар. Олий маълумотли ўқитувчи-ларни эса педагогика ин-ститути ва университети

лари етарли даражада тай-ёрлаб бермоқда.

Айтиш мумкинки, энди халқ таълими тизими учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш нуктаи назаридан, махсус сиртки бўлимлар фаолиятига зару-рат қолмади. Президентининг қарори билан тасдиқ-ланган 2010-2011 ўқув йили қабул режасида Ўзбекис-тондаги фақат икки олий таълим муассасаси – Тош-кент Кимё-технология ин-ститутининг Кўнғирот бўли-ми ва Тошкент ахборот тех-нологиялари университети учун махсус сиртки бўлим-ларга талаба қабул қилиш квоталари белгиланган.

Вилоят давлат педагоги-ка институти қабул комис-сиясидан маълум қилишла-рича, ҳозиргача 4000 га яқин ариза тушди. Абитуриентлар энг кўп қизиқиш билдирган таълим йўналиши "Жисмо-ний маданият" бўлиб, унга 500 та ариза топширилган. Кейинги ўринларда "Бошлан-ғич таълим", "Тарих" ва

"Ўзбек тили ва адабиёти" йўналишлари турибди.

Институтда қабул жараё-ни қатъий назоратга олин-ган. Тест синовлари ҳам хо-лислик ва адолат таъминла-ри асосида ўтиши учун мавжуд тартиб-қоидаларга баъзи ўзгаришлар кири-тилди. Жумладан, абиту-риент тест хонасига фақат шахсини тасдиқловчи ҳуж-жати (паспорт ёки унга тенглаштирилган гувоҳно-ма) ва қабул комиссияси томонидан берилган рухсат-нома билан киритилади. Кўшимча ҳар қандай нарсаси аудиторияга олиб кир-ган абитуриент тест син-овларига қўйилмайди.

Агар абитуриент ҳужжатла-рининг қалбақлиги аниқлан-са, дарҳол тест синовларидан четлаштирилади ва ҳужжат-лари ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-раларига топширилади.

Абулфайз САИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

лоҳотларни амалга оши-риш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масала-лари бўйича доимий ком-миссияси расми ҳам экан. Комиссия Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Инқирозга



ЭРОНГА САНКЦИЯ ПИСАНД ЭМАС

Эрон Германиянинг Гамбург шаҳридаги нисбатан ки-чикроқ Europae isch-Iran-ishe Handelsbank (EIH) банки ёрдамида БМТнинг иқтисодий санкцияси оқибатларидан қутулди.

The Wall Street Journal нашри тарқатган маълумот-ларга қараганда, EIH қурол-аслаҳа, шу жумладан, бал-листик ракета ишлаб чиқар-иш билан узвий алоқадор Эрон ташкилотларига 2009 йилда қарийб миллиард доллар миқдориди маблағ ажратган. Бу тузилмалар-нинг қўли АҚШ, БМТ, ЕИнинг қора рўйхатига ки-ритилган.

EIH АҚШнинг қора рўйх-атидан жой олганди. Бироқ, Германия молия назорати федерал бошқармаси вакил-ларининг айтишича, Герма-

ниянинг у ёки бу Эрон бан-кига нисбатан санкция қўла-б тартибини АҚШ эмас, БМТнинг Хавфсизлик кенга-ши белгилайди. EIH банки БМТ тегишли резолюцияла-рида тилга олинмаган. Шу боис у немис банклариға оид қонунларга амал қилган ҳолда эркин фаолият юри-тиши мумкин.

Европа Иттифоқи давлат-лари ташқи ишлар вазирла-ри 26 июлда маслаҳат-ий-ғилиш ўтказиб, Эронга нис-батан қўлланиладиган янги санкцияларни муҳокама қил-моқчилар.

Роғун: ЭКОЛОГИК ХАВФ ЎЧОФИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бу-хоро минтақавий ахборот-таҳлил маркази Ўзбекистон экологик ҳаракати ва табиатни муҳофаза қилиш қўми-таси Бухоро вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Трансчегара тарзидagi экологик таҳдид ва хавфсиз-лик: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуси-да давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Бухо-ро вилоят кенгаши депу-татлари, Ўзбекистон эко-логик ҳаракати, Кенгаш-нинг вилоят ва туман бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати,

вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, фуқаро-ларнинг ўзини-ўзи бошқар-иш ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари ва оммавий ах-борот воситалари ходим-лари иштирок этишди.

Давра суҳбатида Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-таси депутати Ф. Холбоев тадбир иштирокчиларини палатанинг экологик масала-лари, қонуний акт ва меъёрий ҳужжатлари та-комиллаштириш ва ривож-лантиришга оид қонунлар-ни яратиш фаолиятидан хабардор этди.

Музокаралар чоғида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг таҳ-лил-назорат нозирлиги раҳбари, биология фанла-ри номзоди Ш. Пардаев сўзга чиқиб, БМТ конвен-циясига мувофиқ мустақил давлатлар сүвдан кели-шилган ҳолда, тенгхуқуқли ва томонлардан бирорта-сининг манфаатига зарар етказмай фойдаланиши лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, трансче-гаравий дарёлар сувлари-дан самарасиз фойдала-ниш, жумладан, улкан гид-роэлектрстанциялар қуриш экологияга, шунингдек, қўшни давлатлар аҳолиси ҳаёти ва фаолиятига сал-

бий таъсир кўрсатиши мумкин. Ш. Пардаевнинг гапларига қараганда, Аму-дарё ва Сирдарё сувлари-нинг умумий ҳажми 110-115 миллиард куб метр. Шундан Амударёники 78 миллиард куб метр.

Ш. Пардаевнинг айти-шича, Нурек ГЭСида (Ро-ғун ГЭСидан 50 километр қуйида) сувнинг босими ва кучи сув омбори қирғоғи-га, Роғун ГЭСида эса тўғон деворларига таъсир қила-ди. Айнан шунинг учун бу электр станцияси ҳам эко-логик, ҳам техник жиҳат-дан ҳам хавфлидир.

Йиғилишда сўзга чи-ққанлар Роғун ГЭСи тарки-бида юқори малакали, со-ҳада катта салоҳиятга эга мутахассислар бўлган хал-қаро мустақил эксперт ком-миссияси ушбу объектининг лойиҳа ҳужжатларини ҳар томонлама экспертиза қилганлидан сўнггина қури-лиши мумкинлигини таъ-кидлади. Агар лойиҳа советлар даврида тайёр-лангани ҳисобга олинса, бундай жиҳдий эксперти-за ҳудуд муҳим. Роғун ГЭСи лойиҳасини ҳолис халқаро экспертиза қилишнинг мақсад-моҳияти аввало шундаки, 2009 йилда Са-но-Шушенск ГЭСида юз берганидек, техноген фал-локатларнинг олдини

олюк зарур. Саяно-Шушенск ГЭСи тўғонининг баландлиги қу-рилажак Роғун ГЭСиники-дан анча паст. Яна бир жи-ҳати, Сибирь томонларда Тожикистондагидек вай-

ронликлар келтирувчи қу-ли зилзилалар бўлмайди. Роғун ГЭСини қуриш учун танланган жой 10 балли зилзилалар ва тектоник парчаланишлар юз бера-диган минтақада эканлиги эътиборга олинса, баланд-лиги 350 метр атрофида бўладиган тўғонни сув уриб кетса, оқибати нима бўлишини тасаввур этиш қийин экан.

"Аму-Бухоро" ҳавзаси ирригация тизими бошқар-маси бошлигининг ўринбо-сари Т. Давронов давра суҳбатида Бухоро вилояти экин майдонларини суғор-иш учун бир йилда 4 миллиард 930 миллион куб метр сув керак бўлишини маълум қилди. Шундан 300 миллион куб метри Зараф-шон дарёсидан келади, ерошти қудудларидан 60 миллион куб метр, дренаж каналлардан 80 миллион куб метр олинади. Қолган 4 миллиард 500 миллион куб метр сувни Амударё етказиб беради. Т. Давро-новнинг айтишича, Тожи-кистонда Роғун ГЭСи қури-ладиган бўлса, Бухоро вило-ясти ана шу 4 миллиард 500 миллион куб метр су-вини йўқотадди.

Давра суҳбатининг бар-ча иштирокчилари пиро-вардида шундай ҳулосага келдиларки, трансчегара-вий дарёларда охиригача пухта уйланмай амалга ошириладиган катта кўламдаги гидроэлектр станциялар лойиҳалари на-фақат табиий ресурслар пароканда бўлиши, балки бутун бошли аҳоли пункт-ларининг йўқ бўлиб кети-ши, экологик мувозанат-нинг бузилиши ва иқлим-нинг кескин ўзгариб кети-шига олиб келиши мумкин.

Виктор СИДОРЕНКО, www.PRESS-UZ.info

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бектемир тумани ТСРЎ ин-спекцияси томонидан 2008 йил 2 майда 000590-02 реестр ра-ками билан рўйхатга олинган "DIL-SARKOR QURILISH" ху-су-ий корхонаси (СТПР 300823724, ОКПО 22016817)

ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Бектемир тумани, Шиликор (Строительная) кўчаси, 24-уй, 1-хонадонда қабул қилинади. Тел.: 304-31-46.

Утеранный гос. ордер № 08-01/17873 от 30.01.1993г. пра-ва собственности на квартиру на имя Григорьева Анатолия Ильича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНОМ.

Утеранный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Олтин водий, дом 9/1, кв. 18, выданный Сергелийским БТИ на имя Ошфариева Алек-сандра Дз Арташесовича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНОМ.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактаб томони-дан 2002 йилда Азизова Ноди-ра Бабиринова номига берилган О'Р-З № 1428259 рақамли 9-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор хоҳимияти томони-дан рўйхатга олинган "FOYDALI PLYUS" ху-сусий корхонасига 04.01.2009 йилда берилган ду-малок муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор хоҳимияти томони-дан рўйхатга олинган "ORION EKSPRESS" МЧЖга 2005 йилда берилган думалок муҳр йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани хоҳимияти томонидан рўйхатга олинган "KALX HOLDING LLC" компания-сининг Ўзбекистон Республика-сидagi ваколатхонасига 2008 йилда берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бустонлик тумани хоҳимии-ги томонидан рўйхатга олинган "OQTOSH OROMOGMI" ШБ кор-хонасига тегишли бўлган думало-муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат техника уни-верситети томонидан 2009 йил 16 июлда Баҳодиров Азиз-жон Баҳодир ўғли номига бе-рилган В № 437867 рақамли диплом ҳамда 2005 УК дипло-м иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани, Себ-зор Ц-17/18 кўчаси, 34-уй, 28-хо-надонга тегишли Азгавмова Зул-фия Фархадовна номига берил-ган кадастр ва гувоҳнома ҳужжат-лари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Исаева Рано Искандаровна номига берилган 11-04-07-01-0239-0018 рақамли кадастр гувоҳ-номаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный патент чистого предпринимателя № 10-03669, выданный 27.06.2008 году хоҳимиятом Юнусбадского района на имя Кучина Алексея Валерьевича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНОМ.

Собир Раҳимов туман Тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-си томонидан 03.06.2010 йил-да Гувоҳнома № 05-09297 би-лан рўйхатга олинган якка тар-тибдаги тадбиркор Худаярова Тоголиддин Сайфутдиновичга тегишли бўлган гувоҳнома (па-тент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТАНЛОВ

ЁШ БИЛИМДОНЛАРНИНГ
КАТТА ЮТУҒИ

Мамакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мам-фанны ривожлантиришга қаратиладиган юксак эътибор, ёшларнинг чуқур билим олиши ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида яратилган кенг шарт-шароит натижасида ўзбекистонлик ёшлар халқро миқдосаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда юксак муваффақиятларга эришмоқда.

Яқинда Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган 51-халқаро математика олимпиадасида ёшларимизнинг муваффақиятли иштирок этгани бунинг ёрқин далилидир.

Юзга яқин давлатдан 517 нафар йигит-қиз иштирок этган олимпиадада Ватанимиз шарафини 6 нафар ҳамюртимиз муносиб ҳимоя қилди. Интеллектуал беллашув якунига кўра, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг 2-академик лицей ўқувчилари – Зафар Абдурахимов, Иброҳимбек Акрамов, Зариф Иброҳимов ва Умида Жўраева кумуш, Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги иқтидорли болалар лицейи ўқувчиси Азизхон Назаров бронза медал билан тақдирланди.

– Юртимизда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди 51-халқаро математика олимпиадаси ғолибаси Умида Жўраева. – Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизнинг турли соҳалар бўйича юксак натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Ў.А.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ
ҲИСОБЧИСИ ВА АУДИТОРИ

Мамакатимизда давлат солиқ хизмати томонидан нафақат солиқ ва йиғимларни ундириш, балки соҳадаги анимацияни юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Нафақат солиқ тўловчилар, балки шу соҳа вакиллари, хусусан, ҳисобчилар ва аудиторларнинг касб малакасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Бухгалтерлар ва аудиторларнинг миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда йилнинг энг яхши ҳисобчиси ва аудитори аниқланди.

Танловнинг якуний босқичида пойтахтимиздаги "Донаев менежмент консалтинг" фирмаси бош

ҳисобчиси Ирина Шахнабатова "Энг яхши ҳисобчи", "Фейнекс" аудиторлик ташкилоти аудитори Борис Фрояченко "Энг яхши аудитор" деб топилди.

Шунингдек, тадбир давомиде Баркамол авлод йили муносабати билан талабалар ўртасида ўтказилган "Солиқ мавзусида" энг яхши мақола танлов натижалари эълон қилинди. Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг талабаси Сардор Ашуров ва Солиқ академияси талабаси Андрей Поляков ғолибликни қўлга киритди.

Ў.А.

АНА ХОЛОС!

Лицей ва коллежаларни битирган, ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни айни кунларда битта умумий савол қийнаб турибди: "Қандай қилиб олий ўқув юртига кириш мумкин?". Бир жихатдан олиб қараганда, бу саволнинг жавоби осон – мактаб ёки коллежда яхши ўқиган, яхши тайёрланган ўқувчи олий ўқув юртига ҳеч бир муаммосиз қабул қилинади. Аммо акси бўлсачи?

Пойтахт метросининг "Беруний" бекатидан ташқарида чиққан абитуриент юқоридаги ҳаётий муҳим саволнинг осон ечимини топгандек бўлади, гўё. Бу ерда сизни шпаргалкалар олами ўзининг нажоткор, шу билан бирга шубҳали бағрига олади. Нархлар ҳам унча қамқайди – бир фан бўйича жавоблар бор-йўғи 12-15 минг сўм атрофида.

– Мактабда "азъо"га ўқиганлар, университетга кириш учун билимни етарли, деб юрардим, – дейди ўзини Баҳром деб таништираган "харидор"лардан бири. – Афсуски, ўтган йили тест синови жараёнида тўплаган балларим ақалли "контракт"га ҳам етмади. Бу йил шпаргалкани синаб кўрмасам бўлмайди-юқ.

– Албатта, омад жуда муҳим, аммо шпаргалкадаги жавобларнинг тўғрилиги ким кафолат бера олади? – дедим.

– Бизнинг ишимиз фақат сотиш, шпаргалкани тегишли мутахассислар тайёрлайди, – дейди салмок-ланиб "сотувчи"лардан бири. "Жавобларнинг тўғрилиги кафолат борми?", деган саволимизга эса "эҳтимоллар назарияси" билан боғлиқ аллақандай

муҳим мингирлашни эшитдик, холос.

Кафолат излаб, девор ва симёғочларга ёпиштирилган эълонлардан бир тўпани йиғиб олдик. Телефон қилиб, ўзимизни абитуриент, деб таништирамиз. Хар бир "тадбиркор" ўз моли энг зўр, энг тўғри эканини макташдан чарчамайди. Аммо шпаргалкани

ШПАРГАЛКА
ҚАНЧАДАН?

олиш учун уларнинг уйларига бориш хавфли экани, бирор ҳоли жойда учрашиб, савдоллашганини тақдир этишди. Бизни ҳаммасидан ҳам кўра, уларнинг примитив махфийликларига таажубга солди. Биргина телефон рақами орқали хар қандай "мушқини" тоғта тортиб чиқариш мумкинлиги нажотки уларнинг ақллари етмаса?

– Бу ерда ҳеч қандай "криминал" йўқ, – деди сочи узун йигит катъий. – Паровоз, йғи биллими йғитимиз абитуриент билан бирига, ўз ҳужжатлари орқали аудиторияга қиради. Тест саволлари китобчаси ва жавоблар белгиланувчи варақани ҳам ўз номига

қулиб, "замена" ўғил болада, қиз боланинг ўрнига қира олмайди-ку!

Маълум бўлишича, билими кучли, иложи бўлса, олий маълумотли болалар, яъни "замена"лар талабгор абитуриентнинг ҳужжатини кўрсатиб, унинг ўрнидан имтиҳон топиришга уриниб кўра экан. "Лекин имконият ҳам, қўлингизга қўлга тушиб қолишди", тан олди сочи узун йигитнинг ўзи ҳам, сўнг шоша-пиша бошқа таклиф киритди: "Яхши-си мен сизларга кафолатли бир "паровоз" топиб бераман, фақат пулини олдиндан берасизлар".

"Паровоз" нима эканилиги билан қизиқдик.

– Бу ерда ҳеч қандай "криминал" йўқ, – деди сочи узун йигит катъий. – Паровоз, йғи биллими йғитимиз абитуриент билан бирига, ўз ҳужжатлари орқали аудиторияга қиради. Тест саволлари китобчаси ва жавоблар белгиланувчи варақани ҳам ўз номига

олади. Сўнг талабгор абитуриент ва "паровоз" китобча ва варақасини ўзаро алмаштириб олишди. Паровоз барча саволларни ечиб бўлган, варақани яна эгасига қайтарди, – тушунтирди сочи узун йигит.

Нархи билан қизиқдик. Бундай хизматнинг пулига "яримта" "матиз" автомобил сотиб ола бўлишини билган, "ўйлаб қўришга" рухсат сўрадик.

Тиниб-тинчиманган абитуриентлар нималарни ўйлаб топишмади, дейсиз? Эндигина уяли телефондан SMS орқали тест саволларига жавоб жўнатиш ва олиш усули пайдо бўлган, уни ҳам имтиҳон кунини техник жихатдан чеклаб, йўққа чиқарадиган бўлишди. Ҳозир эса, телефонда гаплашиб, "залдан ёрдам олиш" усули ҳамон модада экан.

– Бунинг учун назоратчи опалар меҳрибон ва кўнгилчан бўлишлари керак. Акс ҳолда тест хонасидан чиқариб юборишлари мумкин, – дейди ўтиб кетаётган йигитлардан бири саволимизга жавоб бериб.

...Шпаргалкалар бозори қизгандан қизиб боради. Бу ердаги савдоларда кимдир алданиб, пулига қўйиб қолади. Бу савдода даромад қилувчилар на солиқ тўлашди, на "хизматлари"га кафолат беришди. Ҳаммаси бўлажак харидорнинг соддалиги ва бошқаларнинг лоқайдлиги – кўриб-кўрмаганга олаётган устига қурилган. Жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бу масалага жиддий қарашмас экан, бу ҳол хар йили давом этаверади.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

МИТТИ ҲИКОЯ

Қирғоқ бўйидан бораверишда канал тубига тушиб учун атайлаб нишаб қилинган жой бор. Эрта кўламда бир кузакда сувга қармоқ ташлаганга ундан кўзини узмай ўзун кун ўтирадиган балиқчиға тез-тез рўпара келаман.

Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деганларидек, ўтган-кетганда кўз-кўзга тушиб қолганда бош ирғаб саломлашишга одатланганмиз. У элликлардан ошган, узун бўйли, шляпаси бошига нисбатан чоғроқ бўлгани учун калланинг тепасида кўриқчидек қаққайиб қолган, оёқ-қўллари узун, кўзидеги алмисокдан қолган кўзойнақнинг тутқичларини синиб адо бўлганидан ип билан қулоғи орқасидан ўтказиб боғлаб олган, соч-соқоли эринмай қиртишланган, нақ кетмоннинг бетидек катта юзи доим оқариб туради.

Унинг ёнидан ўтаётган, негидир тўхтаб, ҳамсухбат бўлгим келди. Лойқаланиб, пиш-

лаб юборди. Мен ўзим сезмаган ҳолдада севи-ниб кетдим. Овчи ҳам балиқни қўйиб юборганидан беҳад хурсанд эди. Кун оғиб бораётганига қарамай, овчининг идишида бир дона ҳам

БАЛИҚЧИ

моқнинг пўкаги сув остига ситилган-ситилган тортилди. Балиқчи қармоқ дастасини шахд билан юқорига қўтарди. Ўртабармоқдек келадиган балиқ нақ оғим остига келиб тушди. У тинмай типирчилар, овчи ҳам, мен ҳам гўёки тилло топиб олгандек саросимада эдик.

– Ха, сизми? – сўради у қўл узатиб сўрашаркан, ўзини эски қадрдонлардек тўтиб. – Бу ҳали жуда кичик экан-да, ака, қўйиб юборганим маъқул.

У шундай деб қармоқ илганини халқумдан авайлаб бўшатиб олди-да, балиқни сувга таш-

лаб юборди. Мен ўзим сезмаган ҳолдада севи-ниб кетдим. Овчи ҳам балиқни қўйиб юборганидан беҳад хурсанд эди. Кун оғиб бораётганига қарамай, овчининг идишида бир дона ҳам

қўлда хушайвермаман. Улар беозоргина қўшларга, қўёнларга, балиқларга қирон келтирадилар. Уйламайдиларки, табиат инъом этган бу жониворлар ҳам эмин-эркин яшашга ҳақли.

Назидимда ёнгинамда турган балиқчи бағридош эмас, қилаётган ишдан қандайдир роҳат олаётгандек эди...

Шу пайт нариги қирғоқдан кекса кишининг юмшоқ овози эшитилди. – Ҳой бола, эрматдан ўтирибсан, ҳеч балиқ илдинми?

– Илинди, – деди овчи очик чехра билан. – Каттами? – яна сўради кекса киши аввалдан ҳамсухбат бўлиб ҳазил-мутобибага ўрганиб қолганидан ўзини эркин тутиб.

– Жуда катта, – деди овчи қўллари йўиб кўрсатаркан. Қария бу ёлғондан яйраб-яйраб қулди, гўёки бир қоп семирди. Чамаси хар икковларининг ҳам мурадлари ҳосил бўлган эди.

Собиржон ИНОМОВ.

КЎРГАЗМА

ХАЛҚАРО ФОТОГРАФИЯ
КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Давр билан ҳамроҳанг байрам" мавзусида фотокўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси фоторассомлар шўбасининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлган тадбир Халқаро фотография кунига бағишланди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда фотография санъатини янада ривожлантириш, фотойжодкорларни истиқлол йилларида эришилган улкан марра ва ютуқларимиз акс эттирилган юксак бадий савияли асарлар яратишга даъват этиш, уларни хар жихатдан қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Юртимизда ташкил этилаётган турли фотокўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар фоторассомлар-

нинг ижодини кенг жамоатчиликка таништириш, фото санъати мухлисларини бу борадаги сўнгги янгилик ва ютуқлардан бохабар этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад – юртимиз фоторассомларининг ижодий ишларидаги ранг-баранг шакллари, ўзига хослики, услубий ёндошувлари кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Кўргазмада юртимиз фотойжодкорлари томонидан тақдим этилган юздан ортқ асарларда жонахон Ватанимиз, она-табиатимиз манзаралари, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар,

миллий анъана ва қадриятларимиз фотография санъатининг турли жанрларда моҳирона тарзда акс эттирилган. Кўргазмада намоиш этилаётган асарлар кундалик ҳаётимиз, барча-миш учун таниш ва қадрдон бўлган манзараларга янада теран, жозибали ва беғубор нигоҳ, кўтаринки кайфият билан қараш имконини беради. Мазкур кўргазмада намоиш этилаётган Рустам Шариповнинг "Менинг шаҳрим", "Қуриш", "Қул", "Қуёш гуллари", "Олмахон", Султонбой Дехқоннинг "Гилос гуллаганда", "Ичан қалъа", "Қишлоққа қайтиш", Владимир Соколовнинг "Болалик", Линур Аметовнинг "Кечки Тошкент", "Шафтоли" каби фотоасарлари шулар жумласидандир.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗИНГ ДАН ҚЎЙМАСИН

Яқинда бир қариндошимизникига меҳмонга бориб қолдим. Анчадан бери кўришмаган эдик. Яқин кўшнисини ҳам чакирди. Ўтган-кетган воқеаларни эслаб, суҳбатлашиб ўтирдик. Гапдан-гап чиқиб чет элда ишлаш ҳақида сўз очилди. Шунда қариндошимнинг ён кўшиси бошидан ўтанларини сўзлаб берди.

– Айни пуддан қийналиб юрган пайтларим эди, – дея сўз бошлади у. – Бирор-бир ишнинг бошини тутмаган эдим. У-бу жойларда иш чиқиб қоларди-ю, маошидан қўнғим тўлмасди. Фақат бир хаёл билан юрардим. Қандай қилиб бўлсада кўп пул топсам-у ўзим орзу қилгандай яшасам.

Бир кун бозорга тушсам, эски бир танишимни учратиб қолдим. Узиям башанг қийинчи олган, қўлда тилла соат, тағида машина, қўриб ҳавасим келди. "Кел, кўришганимизни қовайлик, шу яқин ўртада бир яхши жойини биланам. Отамлашиб ўтирамиз", деб қолди у. Таклифига жон деб рози бўлдим.

У ёқ-ёқдан гаплашиб ўтирдик. Бир-икки қадаҳдан кейин дилдимидаги дардимни айтидим.

– Оғайни, бунинг йўли осон, – деди у. – Бир йил Россияда ишлаб келсанг, бир умрга етадиган давлат тўлаёсан. Мана мен бир йил ишлаб шу даражага етдим. Бу йил ҳам сафарга чиқиш ниятим бор. Хоҳласанг сени ҳам олиб кетишим мумкин. Торт чиқарадиган фабрикада ишлайсан. Фақат бир оз харажати бор. Ишга жойлашсан ва чипта учун икки миллион сўм керак.

– Майли, розиман, – дедим мен. – Лекин, пулни кетишимиздан олдинроқ топсанг. Боришдан олдин жўнатардик, кейин сенга у ердаги оғайниларим жой тайёрлаб қўйишарди. Бемалол бориб ишлардинг. – Ундай бўлса пулни топганимдан кейин сенга ўзим айтаман. – Майли, фақат тезроқ, бўлмаса кеч қолсан, – деди.

Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Дан-гиллама уй, машина, яна жаражарак пуллар. Ўз хаёлларимдан ўзим маст бўлиб ўйга келдим. Эндиги муаммо – қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш...

Рўзгоримизни тебратиб турган она-бола сизир бор эди. Уйдагиларни зўрга қўндириб, сизирни бозорга олиб чиқдим. Етмаганига қариндош-уруғлардан қарз олдим. Ишқилиб айтилган пулни тўлаб бердим.

– Худо хоҳласа, – деди ошнам пулларни санаб бўлган, – бир йилдан сўнг сендан бой одам бўлмайди. Бир ҳафтадан кейин кетамиз, ҳамма нарсанг тайёр турсин. Хали бу кўнларни кўрмагандек бўлиб кетасан.

Ҳаш-паш деганча кетадиган кунимиз келди. Лекин оғайнимнинг айтишича, яқин бир қариндоши оғир ҳолда касалхонага тушибди. Олдида бир-икки кун турмаса бўлмас экан. Қўлимга қорозга ёзилган қандайдир манзилни бердида, шу ерга борсанг, сени кўтиб олишди, телефон қилиб айтиб қўйганман, кейинроқ ўзим ҳам етиб бораман, деб поездга чиқариб юборди. Ноилж, ёлғиз кетадиган бўлдим. Дўстим берган манзилга бордим.

Не кўз билан кўрайки, у айтган фабрика бундан бир ярим йил олдин ёпилган экан.

Алданганлигимни тушуниб етдим. Унинг тағидаги машинаси, чўнтагини тўлдириб турган пуллар қай йўсинда топилаганини англай бошладим.

Орақа қайтишга эса илож йўқ, пулим қолмаган эди. Унга ишониб ортиқча пул олмаган эдим. Икки сутка оқ юрдим. Бахтимизга шу ерлик бир киши билан таништираман, деб ўзи билан олиб кетди. Қандайдир хашматли бир уйга олиб борди. Уй эгаси жуда ҳам бой бўлиб, Москва яқинидаги қишлоқларнинг биридаги чўчкахонасига ишчи излаб юрган экан.

Билсангиз, у воқеаларни эсламасмиз эларим жўнжикиб, баданимдан совуқ тер чўкиб кетади. Кун жудаям совуқ, туф десангиз туфунгиз ерга тушгунча музлайди.

Хар кун эрта тонгдан чўчкаларга ем бериб, тагини тозалаб, сугориб юрдим. Берган овқатда на маза, на таъм бор. Ноилжқидан тишини-тишига қўйиб тўрт ой ишладим.

Хўжайиним ваъда қилгандек кетишимга озорқ пул бериб, Тошкентга кетадиган поездга чиқариб юборди.

Шу пайтдаги хурсандлигимни сизларга қандай таърифлаб берсам экан. Шодлигим танамга сизмас, секинчимдан бакирим келарди. Айнакча, юртимга етиб келган, кўз ёшларимни тиймай қолдим. Киндик қоним тўқилган ерларни бағримга босгим келарди. Ўз юртимдан қўймасин дея чет элларда ишлашга, осон йўл билан бойишга қизиқмай қўйдим. Билдимки, ҳамма жойда ҳам ҳаракат қилсангиз нон топасан.

– Халиги сизни алдаб кетган киши нима бўлди? – дедим қизиқиб.

– Ха, уми, – қўл сиптади суҳбатдошим, – келганимдан кейин суриштирсам, қамалиб кетган экан. Мендан олдин алданган одамлар қаматиб юборишди. "Худо жазойингни берибди", дедиму индамай кўя қолдим.

Бобурхон ПАТТАЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Частное предприятие "DAVRON SERVIS" Чиланзарского района (ИНН 203632718) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "DAVRON SERVIS" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "DAVRON SERVIS" к ООО "DAVRON SERVIS". Тел.: 217-41-15.

Chevrolet NIVA
Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши

Расширенный дилер: "SANAR" хусусий корпорация. www.sanar.uz
Тошкент ш. Х. Умаров к. (мўлжал – Жанубий вокзал, Кичик халқа йўли)
тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87.

"GRAND FARM MEDIKAL" МЧЖнинг Чиланзор тумани, 6-мавзе, Қатортол қўчаси, 37-А уй манзилида жойлашган ошхона биносига тегишли 3-480/2007 реестр рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Чиланзор туман Транспорт колледжи томонидан 2007 йилда Юлдашева Малика Шайратовна номига берилган № 785945 (руйхат рақами 3650) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Абулфайз САИДАСҚАРОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХҲАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-640.

Адади 5995.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.